

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОНДАГИ ТАБИЙ ОФАТЛАРГА ДОИР СИЁСАТИ

Турсунбоева Махсуда
ЎзМУ таянч докторанти

Аннотация: Табиий офатлар барча даврларда инсоният учун катта зарарлар олиб келган. Шу сабабли ушбу масалани ўрганиш ҳар доим инсоният учун муҳим аҳамият касб этган. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда кўплаб табиий офатлар юз берган. Буларга zilzilar, сув тиқинлари, қум бўронлари, кучли ёмғирлар ҳамда фаслга хос бўлмаган совуқлик ёки иссиқликни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Мазкур мавзу тарихишунослигига эътибор берсак, совет ҳамда мустақиллик даврида ушбу масала кам ўрганилган. Бунга бир қанча сабаблар мавжуд. Жумладан, бир гуруҳ олимлар ўтган замонда юз берган табиий офатлар тарихини асосан замонавий фаннинг тарихи тушунтириб бериш учун фойдаланган бўлса, бошқа гуруҳдаги олимлар келажакда юз бериши мумкин бўлган табиий офатларни тадқиқ этишни маъқул кўрмоқда. Бошқа томондан, ўтган тарихда юз берган табиий офатлардан сабоқ чиқариш ва салбий оқибатларнинг олдини олиш учун табиий офатлар тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Табиий офатлар, Туркистон, сейсмик ҳолат, Рус география жамияти, сейсмик кузатув станциялари, ер силкинишлар.

Аннотация: Стихийные бедствия во все времена наносили огромный ущерб человечеству. Поэтому изучение этого вопроса всегда было важно для человечества. В конце 19 - начале 20 веков в Туркестане произошло множество стихийных бедствий. Примеры включают землетрясения, наводнения, песчаные бури, проливные дожди и несезонные холода или жару. Если обратить внимание на историографию данной темы, то в советский период и период независимости этот вопрос мало изучен. На это есть несколько причин. Например, одна группа ученых использовала историю стихийных бедствий, произошедших в прошлом, для объяснения истории современной науки, тогда как другая группа ученых предпочитает изучать стихийные бедствия, которые могут произойти в будущем. С другой стороны, важно изучать историю стихийных бедствий, чтобы извлечь уроки из прошлых стихийных бедствий и предотвратить негативные последствия.

Ключевые слова: Стихийные бедствия, Туркестан, сейсмическая обстановка, Русское географическое общество, станции сейсмического мониторинга, землетрясения.

Abstract: Natural disasters have caused great damage to humanity in all times. Therefore, the study of this issue has always been important for mankind. Many natural disasters occurred in Turkestan in the late 19th and early 20th centuries. Examples include earthquakes, floods, sandstorms, heavy rains, and unseasonal cold or heat. If we pay attention to the historiography of this topic, this issue has been little studied during the Soviet and independence periods. There are several reasons for this. For example, one group of scientists used the history of natural disasters that occurred in the past to explain the history of modern science, while another group of scientists prefers to study natural disasters that may occur in the future. On the other hand, it is important to study the history of natural disasters in order to learn from past natural disasters and prevent negative consequences.

Key words: Natural disasters, Turkestan, seismic condition, Russian Geographical Society, seismic monitoring stations, earthquakes.



1870-1917 йилларда Туркистонда содир бўлган табиий офатлар ўша давр олимлари ва тадқиқотчилари томонидан тадқиқ этилган бўлса, даврий матбуот ҳамда расмий ҳисоботларда маълумот ва маъруза сифатида бериб ўтилган. Бугунги кунда ушбу материалларни ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Мазкур даврда Туркистоннинг сейсмик ҳолати тадқиқ этилган. Ушбу тадқиқотлар айрим ҳолларда маъруза сифатида тақдим этилган. Кейинчалик ушбу маърузалар мақола ёки китоб сифатида чоп этилган. Мазкур амалиёт айниқса Рус география жамиятининг Туркистон бўлимида йўл қўйилган. Жумладан, бир қанча тадқиқотчилар XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда содир бўлган zilzilalarни ўрганган. Шулардан бири А. Аузан бўлган. Унинг Туркистоннинг сейсмик ҳолати тўғрисидаги тадқиқоти Рус географик жамиятининг нашрида чоп этилган. У асосан Туркистондаги сейсмик ҳолатни мавжуд сеймик станциялардан олинган маълумотлар асосида кўрсатишга ҳаракат қилади. Мазкур даврда Тошкент, Самарқанд, Верний ва Ўш шаҳарларида сейсмик кузатув станциялари мавжуд бўлган. А. Аузан ўзининг тадқиқотини Туркистонда сейсмик ҳолатни аниқлашдаги муаммоларни таҳлил қилиб ўтади. Унинг асосий танқиди мавжуд бўлган кузатув станцияларнинг ҳар доим ҳам zilzilalarни аниқлаш ва ер силкинишлар вақтида олган кам сонли маълумотларига қаратилган эди[1]¹.

Хусусан, XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёнинг турли қисмларида zilzilalarни олдиндан аниқлаш учун сейсмик обсерваториялар мавжуд бўлган. Бироқ, улар ҳар доим ҳам zilzilalarни олдиндан айтиб бера олмаган. Масалан, 1896 йил 25 январь кундузи соат 1 дан 32 дақиқа ўтганда zilzila содир бўлган. Бу ер силкиниши 3 бални ташкил этган ва 20 сония давом этган. Бироқ, Тошкент шаҳридаги сейсмик обсерватория ушбу zilzilани қайд этмаган. Яна бир мисол Помир сейсмик обсерваторияси билан боғлиқдир. 1896 йил 3 январдан 4 январга ўтар кечаси соат 12 да Помирда кучли zilzila содир бўлган. Бироқ Помирда жойлашган сейсмик обсерватория буни аниқлай олмаган[2]².

Шунингдек, А. Аузан Россия империясидаги сейсмик комиссияларнинг бошқарув ҳолати ва ҳуқуқлари тўғрисида тўхталиб ўтади. Ушбу қисмда тадқиқотчи асосан мазкур бошқарув тизими сейсмик тизимни ривожлантиришга ҳар доим ҳам жавоб бермаганлигига эътибор қаратади. Иккинчи томондан, мазкур сейсмик станциялар ва сейсмик комиссияларнинг фаолиятини тўлиқ амалга оширишга молиявий қийинчиликлар ҳам салбий таъсир кўрсатган[3]³. Бу ҳолатга

¹ Сейсмическая часть в России и Туркестане. // Известия Туркестанского отдела Императорского Русского географического общества. Том 10, Выпуск 1, 1914. С. 186-188.

² Землетрясения в Ташкенте. Правительственный вестник. 1896. № 23.

³ Сейсмическая часть в России и Туркестане. // Известия Туркестанского отдела Императорского Русского географического общества. Том 10, Выпуск 1, 1914. С. 188-189.



А. Аузан алоҳида тўхталиб ўтган. Шундан сўнг А. Аузан ишнинг илмий қисмига ўтган. Ушбу қисмда асосан Туркистон мисолида зилзиларнинг юзага келиш сабаблари тўғрисида тўхталинган[4]⁴.

Рус географик жамиятининг Туркистон бўлими тадқиқотчилари ўлкада содир бўлган зилзиларни ҳам ўрганиб борган. Улар асосан юқори балли зилзилар ҳамда катта талофат етказган ер силкинишлари тўғрисида ҳам изланишлар олиб борган. Шундай зилзилардан бири 1897 йил 5 сентябрда Туркистоннинг катта қисмида содир бўлган. Мазкур зилзила 5 сентябрдан 6 сентябрга ўтар кечаси юз берган. Мазкур вақтда одамлар ўз уйларида ухлаб ётган бўлган. Ер силкиниши натижасида одамлар кўчага чиққан ва узоқ вақт ўз уйларига киришга қўрққан. Рус географик жамияти Туркистон бўлимига Жиззах уездидан зилзила оқибатлари тўғрисида маълумотлар келган. Улар орасида зилзила натижасида ер ёрилганлиги тўғрисида ҳам маълумот бор эди. Тадқиқотчилар ушбу ҳолатни текшириш учун Жиззах ва Хўжанд уездларига боради. Ўрганишлар натижасида ҳақиқатан ҳам ушбу уездларда ер ёрилганлиги аниқланган[5]⁵. Натижада географик жамият Туркистон генерал-губернаторлигининг Ҳарбий-Топографик бўлими бошлиғига бу тўғрисида хабар беради.

Бошқа тадқиқотлар Ўрта Осиёда содир бўлган зилзиларни илмий жиҳатдан ўрганишга қаратилган бўлган. Мазкур ишлар ҳам асосан Рус географик жамиятининг Туркистон бўлими нашрларида чоп этилган. Шундай ишлардан бири 1911 йилдан Помирда содир бўлган зилзилани тадқиқ этишга қаратилган бўлган. Помир зилзиласи алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилганлигига бир қанча сабаблар бўлган. Биринчидан Помир сейсмик фаол ҳудуд ҳисобланган ва у ерда махсус кузатув ишлари доимо олиб бориш имкони мавжуд бўлган. Бу ҳолат ўша давр тадқиқотчиларига Ўрта Осиёдаги зилзилани тадқиқ этишга имкон берган. Энг асосий сабаб 1911 йилдаги зилзила жуда қаттиқ бўлган бўлиб, ҳатто зилзила натижасида бир қанча гуманитар ва географик ўзгаришлар юз берган.

Мазкур зилзила 1911 йилда 5 февралда кечаси соат 11 дан 15 дақиқа ўтганда юз берган. Мазкур зилзила кучли бўлганлиги сабабли Помирдаги иккита қишлоқ йўқ бўлиб кетган. Улардан бири Усой қишлоғи бўлган. Ер силкиниши кучли бўлиши натижасида тошларнинг ёрилиши сабабли тоғ ёнида жойлашган қишлоқ аҳолисининг барчаси чорва моллари билан биргаликда ҳалок бўлган. Помирда Бартанга дарёси оқиб ўтган. Бу дарёдан тўғон қурилган бўлиб, кейинчалик қўллар ҳам ҳосил бўлган. Мазкур тўғоннинг суви юқори баландликка етган бўлган.

⁴ Сейсмическая часть в России и Туркестане. // Известия Туркестанского отдела Императорского Русского географического общества. Том 10, Выпуск 1, 1914. С. 189-201.

⁵ Леопов Б. Землетрясения в Туркестанском крае 5-го сентября 1897 года. // Туркестанский сборник. Том 473, с. 59.



Зилзила натижасида ушбу тўғондаги сувлар тошиб кетади ҳамда яқинида жойлашган Сарез қишлоғини ювиб кетади. Бунинг оқибатида қишлоқ аҳолиси ҳалок бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сейсмическая часть в России и Туркестане. // Известия Туркестанского отдела Императорского Русского географического общества. Том 10, Выпуск 1, 1914. С. 186-188.
2. Землетрясения в Ташкенте. Правительственный вестник. 1896. № 23.
3. Сейсмическая часть в России и Туркестане. // Известия Туркестанского отдела Императорского Русского географического общества. Том 10, Выпуск 1, 1914. С. 188-189.
4. Сейсмическая часть в России и Туркестане. // Известия Туркестанского отдела Императорского Русского географического общества. Том 10, Выпуск 1, 1914. С. 189-201.
5. Леопов Б. Землетрясения в Туркестанском крае 5-го сентября 1897 года. // Туркестанский сборник. Том 473, с. 59.

CENTER FOR ADVANCED STUDIES